

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК  
ТҮЙҒИСИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Тургунбаев Тохиржон Абдуғафурович

*Fargona davlat universiteti harbiy talim fakulteti o'qituvchisi*

Рузалиев Xasanboy Raxmonovich

*Fargona davlat universiteti harbiy talim fakulteti tyutori*

Ubaydullayev Saidakbar Saydaliyevich

*Fargona davlat universiteti harbiy ta'lim fakulteti kursanti*

**Аннотация:** Янгиланаётган Ўзбекистон ўз олдига улкан стратегик мақсадларни қўйган ҳолда илдам қадамлар билан тараққиётга эришиб бормоқда. Белгиланган маррага эришишида аҳолининг энг фаол қатлами ҳисобланган ёшларга катта шонч билдирилмоқда. Шу билан бир қаторда ёшларни жисплаштириши, уларга ўз қобилиятларини намоён этишида янги имкониятлар яратиш мақсадида фаолият олиб бораётган Ёшлар ишлари агентлиги ва шлар иттифоқининг мамлакатда амалга оширилишида ўзига хос ташаббусларини намоён қилмоқда. Шу билан бирга мазкур бобда аҳоли, хусусан ёшлар орасида миллий ифтихор ва ватанпарварлик түйгуларини шаклантитиши бўйича янгича ёндошувлар ҳақида маъзалий ва хорижий олимлар қарашлари кенг тадқиқ этилган.

**Калит сўзи:** Ватан Тарих фуқаро стратегия тараққиёт Президент Мақсад стратегия мазмун портлаши

Ҳар бир одам, яхлит олганда бутун ҳалқ, ўз Ватанини чукур билса, теран томирлари қаерларга бориб етиши ва туташганини яхши англаса, бугу-нини теранроқ ҳис этади ва қадрига етади, келажагини ёрқин кўра билади. Тарих мисоли дарахтнинг ўқилдизи. Пойдеворсиз иморат бўлмаганидек, ўқилдизиз дарахт юксакликка бўй чўза олмайди, бўронларга дош берол-майди.

Ҳамма ҳам Ватан нима эканини ҳис эта оладими? Бирор учун Ватан бу уй-жой, бола-чака, бошқаларга эса тўкин-сочин яшаш учун кулай жой, ундейлар учун қаерда яшаш осон бўлса, ўша ер Ватан. Бутун ер юзини Ватаним деб билувчи кимсалар ҳам бор, албатта. Уларни одатда космопо-литлар деб атайдилар. Оддий ҳалқ ибораси билан айтсан, уларни беватанлар ҳам дейиш мумкин. Тарихий Ватанини, аждодлари хотирасини унудиб юбор-ган кимсалар, ўзлари ҳозирда яшаб турган мамлакатларига ҳам садоқатли фуқаролар бўлолмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро бўлиш учун, энг аввало, чин инсон бўла олиш шарт. Ўтмишини унуганнинг келажаги ҳам бўлмайди. Одам хотираси билан одам, хотира мавжудотлар орасида фақат одамга хос фазилат. Тарихий Ватанини эслаш, қўмсашиб инсоннинг маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бу Юорт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарк этиб, бошка қулайроқ ерга кета колади, тирик-чилик учун қулайроқ жойни танлайди. Бундай кимсаларни ўтлокда емиш тугагач, серўт яйловни излаб кетадиган подага қиёс

қилиш мумкин. Расул Ҳамзатов айтганидек, “Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зинмасига олишга ўзини тайёрлаши керак”.

Янги тараққиётдаги барча эришилган ютуқлар ва муваффакиятлар бевосита миллий мустақиллик билан боғлиқ, Аждодлар томонидан асрлар давомида сақланиб келаётган миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар ва миллий ўзликни англаш гоясининг вужудга келишига мустақиллик миллий тараққиёт учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши тараққиётни таъминлашнинг янги босқичи бўлди ва барча соҳаларда, хусусан, миллий муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида стратегик режалаштириш мазмуни қуидагича ифодаланган: «Максадга эришишнинг узок муддатли режаси; ижтимоий-сиёсий ҳаётни тараққий қилдиришни, шунингдек, бошқарувни узок муддатли, тўғри ва истиқболли режалаштириш». Ҳаракат, ўз мазмунига биноан, киши ва нарсаларнинг ёки уларнинг қисмларининг қимирлаши, ўз холатини ўзгартириши, тинч туришига нисбатан қарама-қарши ҳолат. Бирор ишга киришиш, бирор нарса қилишга уриниш, интилиш, тиришиш, тараддудни англатади. Ҳаракатнинг фалсафий мазмуни, модданинг яшаш усули, унинг ажралмас хусусияти, моддий дунёнинг ўзгариши ва ривожланишининг тўхтовсиз жараёнидир. Ушбу талқиндан матълум бўладики, ҳаракатлар стратегияси жадал тараққиёт, жамиятда содир бўлаётган воқеликларга илмий асосланган тезкор жавоблар тайёрланиши заруриятини талаб қиласди. Ҳаракатлар стратегияси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий потенциалини ва инсон ресурсларини, унинг интеллектуал имкониятларини тўлиқ сафарбар этишини талаб қиласди. Энг муҳими, жамият аъзолари, ёшлар, ҳаракатлар стратегиясининг моҳияти, уни бажариш зарурияти, пировард натижаси ҳақида муайян маълумотта эга бўлиши лозим.

Бу вазифа, аҳолидан, ёшлардан ҳаракатлар стратегияси мазмунини англаши, мустақил ўрганиши ва фаолияти мазмунини ҳаракатлар стратегияси талабларига мослашишини, ундан прагматик холосалар чиқариш заруриятини шакллантиради. Бундай шароитда ёшлар ахлокий маънавияти муҳим аҳамият касб этади. Файласуф олим А.А.Гусейнов фикрича, ҳозирги даврда ахлоқ ўзининг чегаралаб кўйилган шаклига эга эмас. Аммо у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча фаолиятга хос бўлган ҳодисадир.

Сиёсий жиҳатлари ватанпарварлик, инсонпарварлик ва инсон манфаатларини менсимаслик, иқтисодий муносабатларда адолатпарварлик ва адолатсизлик, маънавий жиҳатдан ҳакиқаттўйлик ва ноҳакликда намоён бўлади. Бу ўринда унинг ахлок нормаларига муносиб бўлган ҳолда сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатлари, жараёнлари ҳақида фикр юритилади. Ахлоқ ҳар бир индивиднинг бошқа индивид билан муносабатларида кўзга ташланади».

Глобаллашув даврида жаҳонда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият жадал ўзгармоқда, одамларнинг давлатлараро ҳаракатини осонлаштириш максадида божхона хужжатлари соддалаштирилмоқда, қўшни республикалар билан чегаралардан кириш-чикиш муаммолари бартараф бўлди, маданий алоқалар кенгайди,

халқаро кооперация янги даражага чиқди. Жаҳонда ядро, химия қуролларига эга бўлғанлик ва унинг цивилизацияни бутунлай йўқотишга бўлган реал хавфи, уруш ва босқинчилик фикри ўрнига, инсоният ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни кўллаб куватлайдиган парадигмаларни вужудга келтирди. Инсоният ўз бошидан кечирган иккита жаҳон уруши, ядро портлашларининг натижалари, босқинчилик гоясига асосланган сиёсатнинг келажаги йўқлигини исботлади.

Бугунги кунда халқаро майдондаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида маданий алоқалар муҳим ўрин өтгапламоқда, бундай шароитда сувореи давлатимиш инсоният цивилизацияси ва маданий алоқаларига ўзининг тинчликсевар сиёсати, маданий муносабатлар, ўзаро алоқаларини янги погонага олиб чиққанлиги билан муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Глобаллашув даврида инсоният ўзининг миллий, диний, маданий, иқтисодий манфаатларидан ташқари, умуминсоний манфаатлари мавжудлигини англади.